

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА НАРГИЗА МАХМУДОВНА

**САУДИЯ РЕАЛИСТИК ҲИКОЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophi (PhD) on philological
science**

Саидова Наргиза Махмудовна

Саудия реалистик ҳикоясининг шаклланиши ва ривожланиши 3

Саидова Наргиза Махмудовна

Становление и развитие саудовского реалистического рассказа..... 25

Saidova Nargiza Mahmudovna

Formation and development of the Saudi realistic story 49

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works 53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА НАРГИЗА МАХМУДОВНА

**САУДИЯ РЕАЛИСТИК ҲИКОЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Fil.560 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шомусаров Шорустам Гиясович
филология фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муҳибова Улфатхон Учқуновна
филология фанлар доктори, профессор

Рашидова Наргиза Бахтияровна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д., доцент

Б.Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳар бир миллий адабиёт умумбашарий ва маънавий қадриятлар контекстида жаҳон адабиёти ва маданияти тараққиётида ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Араб мамлакатлари халқларининг, хусусан Саудия халқларининг адабий мероси жаҳон адабий жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Тарих ва адабиётни ўрганиш, урф-одатлар, анъаналар, дин ва одоб-ахлоқий қадриятларни тушуниш араб халқнинг менталитети, ижтимоий-маънавий маданияти ва салоҳиятини янада чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Дунёнинг турли мамлакатлар халқларининг, хусусан Саудия халқининг адабий ва маданий меросини илмий ўрганишга бағишланган ҳар бир тадқиқот иши миллий маданият ва фанни бойитиб, унинг уфқларини янада кенгайтиради ва халқнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига қўмак беради. Саудия адабиёти ўрта асрлардан сақланиб келган бадий тажрибаларни мустаҳкам сақлаган ҳолда ривожланиб келмоқда. Ушбу бадий ходиса ўрта асрлардан то янги даврга ўтиш оралиғида мавжуд бўлган адабиёт ва унинг ёрқин намоёндаларининг ижоди яққол кўзга ташланади. Бугунги кунда дунё миқёсида шарқшунос-адабиётшуносларнинг диққат марказидан жой олган саудия адабиёти ва унинг қўплаб муаммолари бир қатор илмий ишларнинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Хусусан, саудия ҳикоявислигининг саудия маданияти ривожига аҳамияти ва реалистик йўналишидаги истеъдодли вакиллари адабий меросини реализм нуқтаи назаридан илмий назарий тадқиқ этиш мазкур соҳанинг устувор йўналишларидан биридир.

Сўнги ўн йилликда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Республикамиз билан араб давлатлари ўртасидаги қўп қиррали ҳамкорликни фаоллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-май куни Ар-Риёдга ташрифи икки давлат ўртасида қўп тармоқли иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг ривожланишига замин яратиб, унинг давомида «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим» ҳам имзоланди¹. Глобаллашув жараёнида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига маданият соҳасига интеграциялашуви жадаллашиб, халқаро алоқаларимиз кенгайиб бораётган бугунги кунда араб мамлакатлари, жумладан, муносиб ўрин эгаллаган Саудия Арабистони маданияти, тили ва адабиёти билан яқиндан танишиш масалалари долзарб бўлиб бормоқда. Чунончи, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган устувор йўналишлар ва вазифалар қаторида олим ва мутахассислар олдида муҳим вазифа қўйилиб, «бу ўринда гап, энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда», дея

¹ <https://uzdaily.uz/ru/post/67836>

таъкидланади². Маълумки, адабиёт жамиятнинг янги маънавий эҳтиёжларининг юзага келишини таъминловчи туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таъсирида ривожланади. Бу жараённинг кучайиши янги мавзулар, янги қаҳрамон, янги услуб ва йўналишларнинг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Адабиётда новаторлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у аждодлар эришган ютуқлар, кўп асрлик тажрибага асосланади. Адабий тараққиётдаги ҳар бир янги муҳим ҳодиса ўтмишнинг энг яхши анъаналарини ижодий давом эттириш натижасидир. Анъана ҳамиша ўтган аср адабиёти билан янги пайдо бўлган адабиёт ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. Жамият ҳаётининг турли соҳаларининг жадал ривожланиши, бир томондан, ҳозирги давр талаблари ва хусусиятлари эса, иккинчи томондан, цивилизация ва маданиятларнинг синтези, адабиётларнинг ўзаро таъсири, янги шаклларнинг вужудга келиши, мавзулар, адабий жараёнларнинг ривожланиши ва уларнинг хусусиятлари, шунингдек, бугунги кунда Саудия Арабистони Подшоҳлиги адабиётининг кам ўрганганлиги ушбу тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий араб адабиётининг ривожи доимо диққат марказида бўлиб, ҳозирда ҳам эътиборни жалб қилиб келмоқда. XX-аср олимлари араб насрининг келиб чиқиши ва ривожланишини аниқлашда катта ишларни амалга оширдилар.

Саудия Арабистонида замонавий адабиётнинг шаклланиши Ғарб тадқиқотчиларининг тадқиқотларига ўрганилган бўлиб, Хусайн Язиджи ўзининг «The short story in modern Arabic literature»³ тадқиқотида замонавий араб адабиётида жуда қисқа ҳикоянинг ривожланиши, Саддекка ал-Араби «Women and

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 47.

³ Dr. Huseyin Yazici. The short story in modern Arabic literature. – Cairo, 2004.

words in Saudi Arabia. The politics of Literary Discourse»⁴ илмий тадқиқотда Саудия Арабистони адабиётида аёллар муаммоси, Сальма Кхадра Жаййуси эса, ўзининг «The literature of modern anthology»⁵ китобида замонавий Саудия адабиёти тараққиёти каби масалалар ёритилади.

Араб адабиётшуносларининг Саудия Арабистонида замонавий адабиёти ривожига бағишланган тадқиқотларидан қуйидаги илмий асарларни ажратиб кўрсатиш мумкин: Муажиб аз-Заҳранининг замонавий Саудия адабиёти антологиялари («موسوعة الأدب العربي السعودي الحديث») («Саудия Арабистони замонавий адабиёт энциклопедияси», 2001)⁶; Муҳаммад Сурур ас-Сабаннинг Саудия ёзувчиларининг шеърий ва публицистик асарлари ҳамда XX-аср Саудия адабиётининг барча жанрларидаги асарларни ўз ичига олган «أدب الحجاز» («Ҳижоз адабиёти», 1992)⁷. Бундан ташқари, Саудия адабиётида ҳикоя жанрининг ривожланишини ўрганишга бағишланган Мансур ал-Ҳазимийнинг («فن القصة في» («Замонавий Саудия адабиётида ҳикоя санъати», 1981)⁸; Муҳаммад ал-Қувайфалийнинг («الطفولة و عالم الراشدين في القصة القصيرة في المملكة العربية» («Саудия Арабистонидаги ҳикояда болалик ва катталар дунёси», 1998)⁹; Муҳаммад аш-Шамихнинг («النثر الأدبي في المملكة العربية السعودية» («Саудия Арабистонида адабий наср»)¹⁰; Саҳми аль-Ҳажирнинг («القصة القصيرة في المملكة العربية» («Саудия Арабистонида қисқа ҳикоя», 1987)¹¹; Муҳаммад Солиҳ аш-Шантийнинг («القصة القصيرة المعاصرة في المملكة العربية السعودية» («Саудия Арабистонида замонавий қисқа ҳикоя», 1986)¹²; Маҳмуд Радавийнинг («دراسات في القصة السعودية و» («Саудия Арабистони ва Форс кўрфазининг ҳикоя тарихини ўрганиш», 1984)¹³; Халид Муҳаммад Ғазийнинг («القصة القصيرة في أدب المرأة السعودية» («Саудия аёллар адабиётида қисқа ҳикоя», 2012)¹⁴; Саъад ал-Базиъийнинг («ثقافة» («Саҳро маданияти: замонавий араб адабиёти тадқиқотлари», 1991)¹⁵; Абдурраҳман ал-Ваҳхабийнинг («في الأدب السعودي» («Саудия адабиётида эволюция ва ўзгаришлар: танқидий мулоҳазалар», 2020)¹⁶ тадқиқотлари муносиб ўрин эгаллайди.

Рус олимларининг араб адабиётини ўрганишга бағишланган тадқиқотлари орасида қуйидагилар ажралиб туради: Муҳаммад Аҳмад Аббоснинг биринчи кенг қамровли тадқиқоти Форс кўрфази араб мамлакатларида ҳикоянинг ривожланиш шарт-шароитлари ва босқичларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда муаллиф Саудия Арабистонидаги қисқа ҳикояларнинг ривожланиш босқичларига ҳам

⁴ Saddeka Arebi. Women and words in Saudi Arabia. The politics of Literary Discourse. – New York: Columbia University Press, 1994.

⁵ Salma Khadra Jayyusi. The literature of modern anthology. – New York and London, 2014.

⁶ موسوعة الأدب العربي السعودي الحديث نصوص مختارة و دراسات دار المفردات للنشر و التوزيع. الرياض. 2001

⁷ . أدب الحجاز. الرياض. 1992 محمد سورة الصبان

⁸ منصر الحازمي. فن القصة في الأدب السعودي الحديث. دار العلوم، الرياض 1981

⁹ محمد القويلى. الطفولة و عالم الراشدين في القصة القصيرة في المملكة العربية السعودية. مركز البحوث. كلية الأدب الرياض 1998

¹⁰ محمد الشامخ. النثر الأدبي في المملكة العربية السعودية. الرياض 1975

¹¹ سحى الهاجر. القصة القصيرة في المملكة العربية السعودية. النادي الأرب بالرياض 1987

¹² محمد صالح الشنطى. القصة القصيرة المعاصرة في المملكة العربية السعودية. دار المريخ 1986

¹³ محمود رداوى. دراسات في القصة السعودية و الخليج العربى. جمعية الثقافة و العلوم 1984

¹⁴ خالد محمد غازى. القصة القصيرة في أدب المرأة السعودية. دار الكتب المصرية 2012

¹⁵ سعد بن عبد الرحمن البازعي، ثقافة الصحراء: دراسات في أدب الجزيرة العربية المعاصر» 1991

¹⁶ عبد الرحمن بن محمد الوهابى. في الأدب السعودي. التطور و التغيير تأملات نقدية. الطبعة الأولى. 2020

тўхталиб ўтади¹⁷. М.Н.Суворовнинг илмий иши Яман бадий насрини ўрганиш, хусусан, Арабистон ярим ороли мамлакатларида бадий адабиётнинг жадал ривожланишига бағишланган¹⁸. Шунингдек, «Замонавий Саудия адабиёти антологияси» араб энциклопедиясининг таржималаридан ташкил топган О.М. Бавякина, О.А.Власова, В.Н.Ганичева ва В.Н.Кирпиченколарнинг коллектив иши¹⁹ ҳамда В.Н.Кирпиченко ва ўзбек шарқшуноси М.Сайдумаровнинг «Саудия адиблари ҳикоялари» ҳаммуаллифликда яратилган қўшма нашрини²⁰ ҳам қайд этиш лозим.

Саудия Арабистони адабиётининг тараққиётини ўрганишга бир қатор ўзбек шарқшунос олимлари ҳам ўз эътиборини қаратган, хусусан, замонавий Саудия Арабистони ёзувчиларининг ҳикоялари таржималаридан ташкил топган М.Сайдумаровнинг тўплами²¹, Д.З.Мухиддинованинг «Замонавий Саудия адабиетида «жуда қисқа ҳикоя» жанри (فن القصة القصيرة جدا في الادب السعودي)»²² илмий мақоласи ва Ш.И.Аҳмедованинг Қувайт ёзувчилари Лейла ал-Усмон ва Сурайя ал-Бақсамий ижоди мисолида Қувайтдаги замонавий ҳикоялар тараққиёти тенденцияларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқоти²³ шулар жумласидан.

Жаҳон адабиётшунослигида Саудия адабиётига оид қатор илмий ишлар мавжуд бўлишига қарамай, афсуски, Саудия Арабистони Подшоҳлиги адабиёти ўзбек шарқшуносликда кам ўрганилган мавзу. Хусусан, Саудия Арабистони адабиётини реалистик ҳикоя жанрининг шаклланиши ва ривожланишини монографик ўрганиш бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режаларида келтирилган «Шарқ мамлакатлари адабиёти» ҳамда «Адабиётшуносликнинг долзарб масалалари» илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Саудия реалистик ҳикоясининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини очиб бериш, шунингдек, Саудия адибларининг реалистик ижодида акс этган ижодий концепциясининг ўзига хослигини асослаб беришдан иборат.

¹⁷ Мухаммед Ахмед Аббас. Новеллистика арабских стран Персидского залива в XX веке: Дисс...канд.фил.наук. – М., 1992.

¹⁸ Суворов М.Н. Художественная проза Йемена (1940-середина 2000-х годов). Санкт-Петербург, 2010; *тот же автор*. Специфика просветительского этапа в развитии современной художественной прозы стран Аравии // Вестник СПбГУ. Серия 13. Выпуск 3. – СПб, 2012. – С. 67.

¹⁹ Бавякина О.М., Власова О.А., Ганичева В.Н., Кирпиченко В.Н. Антология современной саудовской литературы. – М.: Восточная литература, РАН, 2009.

²⁰ Кирпиченко В.Н., Сайдумаров М. Саудовский рассказ. Рассказы саудовских писателей. – Эр-Рияд – М., 2016.

²¹ Хайрия Иброҳим ас-Саққаф Денгизлар оша олислар сари. Ҳикоялар тўплами / Сайдумаров М. таржимаси/. - Т. 2021 й; С. Ал-Бозий Сахро маданияти. Арабистон ярим ороли модернизм адабиётига оид тадқиқотлар. / Сайдумаров М. таржимаси/-Т. 2020 й.; Ҳ.М.Буқарий Сафо айвони. Роман. / Сайдумаров М. таржимаси/. - Т. 2019й.; И.Н.Хумайдони Тун зулматдаги нур. Роман. / Сайдумаров М. таржимаси/. - Т. 2020й.

²² Мухиддинова Д. Замонавий Саудия адабиетида «жуда қисқа ҳикоя» жанри فن القصة القصيرة جدا في الادب السعودي «*فن القصة القصيرة جدا في الادب السعودي*» // مكاشفات // الحديث, 2021.

²³ Аҳмедова Ш.И. Замонавий Қувайт ҳикоясининг ривожланиши Лейла Ал-Усмон ва Сурайя ал-Бақсамийнинг ижоди контекстида: Автореферат канд. дис.- Т. 2010.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Саудия адабиётида янги турдаги ҳикоянинг ривожланишининг асосий босқичлари ва омилларини аниқлаш;

XX асрнинг иккинчи ярмида саудия ҳикоясида реализмнинг ривожланиш хусусиятларини очиб бериш;

Саудия реалистик ҳикоя жанри ривожда «аёллар ижоди»нинг ролини аниқлаш;

Замонавий Саудия ҳикояси эволюциясидаги анъаналар ва янги тенденцияларнинг ўзаро таъсирини белгилаш;

Замонавий Саудия ҳикоясининг ғоявий-эстетик хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объектини Мансур ал-Хазимий ва Муажиб аз-Заҳраний томонидан тузилган замонавий саудия ҳикоялари антологияси; Ҳасан Аваднинг «Тафаккур ваҳийси» ҳикоялпри тўплами; Сурур Шабаннинг «Ҳижоз адабиёти» антологияси; Саид ал-Амудининг «Рамис ва бошқа ҳикоялар» тўплами; Аҳмад Сибайининг «Қатаржон холам ва бошқа ҳикоялар» ҳикоялар тўплами; Иброҳим Носирнинг «Ёмғирсиз ўлка» ва «Қизнинг хиёлати» ҳикоялар тўпламлари; Нажот Ҳайятнинг «Сукунат азоби» ҳикоялар тўплами; Шарифа Шамланнинг «Сукунат чегараси» ва «Ҳаёт сахналари» ҳикоялар тўпламлари; Муҳаммад Улвоннинг «Нон ва сукунат» ҳикоялар тўплами; Абдуллоҳ Бахшавайннинг «Ғалаба» ҳикоялар тўплами; Юсуф Мухаймиднинг «Ўликлар хириллаши» ҳикоялар тўплами ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини Саудия реалистик ҳикоясининг шаклланиши ва ривожланиши ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тўпланган материалларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик таҳлил усуллари методлари асосида ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

нефть қазиб олиниши, миллий матбуотнинг ривожланиши, маърифий ҳаракат ва маърифий ғояларнинг кенг тарқалиши, араб давлатларидан келган адабиёт ва муҳожирларнинг таъсири, илк босма нашрларнинг пайдо бўлиши Саудия адабиётида янги турдаги ҳикоянинг ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар бўлганлиги далилланган;

XX асрнинг иккинчи ярмидаги Саудия ҳикояларининг аксарияти саудиялик воқелик реалиялари, миллий менталитет ва жамият онгини ўзида акс эттириши аниқланиб, жамиятнинг долзарб муаммоларини очиб беришга қаратилганлиги асосланган;

ўз ҳикояларида нафақат мазлум ва ҳуқуқлари поймол қилинган аёлларнинг аҳволини тасвирлашга, балки ўз ҳуқуқлари ва жамиятдаги ўрни учун курашишга даъват қилишга чорлайдиган ёзувчи аёллар Саудия реалистик ҳикоячилиги жанрининг ривожланишига улкан ҳисса қўшганлиги исботланган;

Саудия ҳикоясида реализмнинг трансформацияси тасвирий имкониятларнинг кенгайиши ва ёзиш технологиясининг модернизацияси, шунингдек, бадиий матнни англаб тушуниш функциясининг кучайиши туфайли юзага келгани аниқланган;

XX асрнинг охириги чораги ва XX аср бошларидаги реалистик ҳикоя қаҳрамонларнинг психологик кечинмаларида чуқур онгини очиб бериш, ижодий

зиёлилар вакиллариининг чуқур ёлғизлик манзарасини тасвирлаш, одамнинг ошиб бораётган драматизми ва фожеали бегоналашувининг кучайиши онг оқими, «экспериментал ёзув», сахна элементларини киритиш, фрагментарлик ва флэшбек каби модернизмнинг бадий услубларидан фойдаланган ҳолда ўз ифодасини топганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошқа араб мамлакатлари адабиётидаги ҳикоялар ва янги Саудия ҳикояси шаклланишидаги умумий хусусиятларни очиб берилган;

Саудия ҳикоясининг бошқа араб мамлакатлари адабиёти билан қиёсий таҳлил қилишда ўзига хослиги кўрсатилган;

Саудия реалистик ҳикояси жанрининг ривожланишида «аёллар ижоди»нинг ўрни белгиланган;

замонавий Саудия ҳикояси эволюциясидаги анъаналар ва янги тенденцияларнинг ўзаро таъсири очиб берилган;

замонавий Саудия ҳикоясининг ғоявий-эстетик хусусиятлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда фойдаланилган таянч тушунчалар асосида фундаментал илмий ва методологик, махсус адабиётларга таянилгани, ашёвий тил материали, тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот усуллари, илмий-тадқиқот натижаларининг диссертация назарий концепциясига мос келиши, хулоса, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти унинг хулосалари ва назарий умумлашмаларининг адабиёт соҳасида тадқиқотлар олиб боришдаги, замонавий Саудия адабиётини ўрганишдаги, Саудия ёзувчилари ижодини ўрганишдаги аҳамияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик ва монографиялар яратиш, "Ўрганилаётган тил мамлакати адабиёти", "Шарқ халқлари адабиёти поэтикаси" дарсларида илмий иш материалларини кенг қўллаш имкониятларида ўз аксини топган.

Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши. Саудия реалистик ҳикоясининг шаклланиши ва ривожланиш масаласини ўрганиш юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

замонавий Саудия адабиётининг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларига оид тадқиқотнинг назарий ва амалий материаллари адабий жараён ва турли жанрлар ривож, бу даврда ижод қилган машҳур шоир, ёзувчилар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг асарларидан парчалар «Филология ва тилларни ўқитиш (араб тили)» таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун ҳозирланган «Литература Саудии» («Саудия адабиёти») дарслигини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сон буйруғи, 500-270-рақамли гувоҳнома). Натижада, талабаларга замонавий Саудия адабиётининг шаклланиши ва ривожланишига оид кенг қўламдаги маълумотлар етказилиб, бакалавр талабаларининг билим даражаларини оширишга назарий ва амалий ёрдам берган;

янги турдаги бадиий адабиёт ривожланишининг шарт-шароитлари ва омиллари, Саудия насрида замонавий ҳикоя жанри шаклланишининг дастлабки босқичлари, публицистиканинг ривожланиши ва XX асрнинг иккинчи ярми Саудия ҳикоясида реализм хусусиятларига оид назарий ва амалий материаллар Саудия Арабистони тадқиқот ва таълим алоқалари марказида кенг қўлланилган (Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ар-Риёддаги тадқиқот ва таълим алоқалари марказининг 2021 йил 22 декабрдаги 1443/4/229/С-сон маълумотномаси). Натижада, жорий қилинган материаллар илмий семинарлар ва конференцияларда, илмий мақолалар ёзишда ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадида фойдаланилган;

Саудия Арабистони атоқли адибларининг ижоди ва уларнинг ҳикоя жанри ривожига қўшган ҳиссасини ўрганиш, шунингдек, бадиий маҳорат, образлар тизими, бадиий тил ва услуб услублари масалаларига бағишланган таҳлилий мулоҳазалар ва назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Бедорлик» («Бессонница»), «Адабий жараён» («Литературный процесс»), «Жаҳон адабиёти» («Мировая литература») эшиттиришларини тайёрлашда манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ДУКнинг 2021 йил 20 апрелдаги 04-25-260-сон маълумотномаси). Олинган натижалар татбиқи адабиёт ихлосмандлари, ўзбек китобхонлари, радио тингловчиларига ахборот етказиш, китобхонларни чет эл адабиёти намуналари билан таништиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та дарслик ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг методлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси,

тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби – **«Замонавий Саудия ҳикояси жанрининг шаклланиши»** деб номланиб, янги турдаги ҳикояни ривожлантиришнинг шарт-шароитлари ва омиллари ҳамда ҳикоянинг замонавий жанри шаклланишининг дастлабки босқичи каби масалаларни ўрганишга бағишланган.

Қирол ибн Сауд ҳукмронлиги йиллари Арабистон ярим оролидаги султ бораётган маърифат жараёнларининг асосий катализатори бўлиб, Саудия жамияти ривожига кучли туртки бўлди. Нефть конларининг очилиши ва ўзлаштирилиши билан мамлакат иқтисодиётини бутунлай ўзгартириб, унинг жадал ўсишини таъминлади, бу эса ўз навбатида маданият ва адабиёт ривожига замин яратди. Шу билан бирга, жамиятнинг консерватизми ва унинг архаик қадриятларга боғлиқлиги, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги мисли кўрилмаган ўзгаришлар билан бир қаторда, қолоқ онг ва воқеликдаги ўзгаришлари ўртасидаги зиддиятларни акс эттирувчи адабиёт ривожига хизмат қилади. Бу тенденция маърифатпарвар тусини олган эди. Ана шундай шароитлардан келиб чиққан ҳолда араб маърифатпарварлик мафкурачилари олдида Европа давлатларига «етиб олиш» эмас, балки араб жамиятининг жадал маданий ва ижтимоий ривожланиши орқали бошқа араб давлатлари жамиятларидан ярим асрлик орқада қолганликни бартараф этиш вазифаси қўйилди.

Арабистон ярим оролида маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилишга катта ҳисса қўшган матбуот, маърифатга тайёргарлик босқичининг асосий қуроли бўлди. Арабистон ярим ороли мамлакатларида маърифатпарварлик ҳаракатининг бошланиши XX-асрнинг биринчи ярмида, илғор араб мамлакатлари – Сурия, Миср, Ливандаги худди шундай маданий юксалиш жараёнидан қарийб бир аср кечроқ содир бўлиб, вазифаларда ҳам, амалга оширилишда ҳам сезиларли фарқларга эга эди.

Арабистон ярим оролидаги маърифатпарварликнинг дастлабки босқичи XX-аср бошларида, 1910-1926 йилларда турклар ҳукмронлиги даврида, «нефть буми»²⁴ бошланишидан анча олдин содир бўлган ва Ҳижоз худудида биринчи босма нашрларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Аммо илғор араб мамлакатларида маърифатпарварлик ҳаракати XIX-аср ўрталарида бошланиб, XX-асрнинг биринчи ўн йилликларигача бир неча босқичларни босиб ўтган эди.

Саудия адабиёти шаклланишининг бошида маданий жиҳатдан анча ривожланган Миср, Сурия, Ливан каби араб мамлакатлари адабиётининг кучли таъсирида бўлган.

Даврий нашрлар араб маърифатпарвар мафкурачиларининг асосий қуролига айланди. Газета ва журнал мақолалари муаллифлари олдида турган асосий вазифа аҳолини маърифатли қилиш ва янги тарихий қадриятлар – таълим, ислохотларни тарғиб қилиб, Саудия жамиятининг илғор ривожланишига тўсқинлик қилаётган турмуш тарзининг анъаналари ва эскирган урф-одатларида мустаҳкам сақланиб қолган жиҳатларини янгилашдан иборат эди.

Миллий матбуот Арабистон ярим оролида нафақат маърифий ғоялар бошловчиси, балки Саудия Арабистони адабиётида янги тури – бадиий адабиётни

²⁴ нефть атрофидаги шов шувлар.

вужудга келтириш жараёнида бошқа араб мамлакатларига нисбатан муҳимроқ роль ўйнади. Ҳикоя жанрининг босқичма-босқич ривожланиши айнан маърифий ва ислохотчилик даъватлари, газета ва журнал мақолалари ва бошқа публицистик жанрлар оқимида содир бўлиб, улар ўқув адабиёти номи остида бирлаштирилган ўқув, умумтаълим ва бадий асарларга айлантирилди. Арабистон ярим оролида маориф ҳаракатининг кенг тарқалишида «Умм ал-Қура» ва «Ал-Қибла» расмий газеталари катта аҳамиятга эга бўлган²⁵.

Аксарият араб ва европа тадқиқотчилари Арабистон ярим оролида маърифий жараёнларнинг бошланишини Саудия Арабистони давлатининг асосчиси Абдулазиз ибн Абд ар-Раҳмон ибн Сауд номи билан боғлайдилар, у миллий матбуотга ёш давлат тараққиётининг энг самарали омили сифатида катта аҳамият берган.

Тарбиявий ғояларни тарғиб қилиш ва бадий адабиётнинг янги шакллари шакллантиришда педагог Абд ал-Қуддус ал-Ансорийнинг ижодий фаолияти катта аҳамият касб этади. У Саудия адабиётидаги илк ҳикоявий асар – 1930 йилда Дамашқда нашр этилган «التوائم» («Эгизаклар») ҳикоясини яратишда биринчи эди.

Араб давлатларидан келиб, Европа таъсирига учраган муҳожирлар Арабистон ярим оролидаги маърифатпарварлик ҳаракати ва адабий янгиланиш жараёнларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатиб, Саудия жамиятида ижтимоий ислохотлар ва ўзгаришлар зарурлигини таъкидлашган. Айниқса, бу борада Саудия насри ривожига катта аҳамиятга эга бўлган Аҳмад Ридо Хуҳу ҳамда Муҳаммад Олим ал-Афғонийнинг ролини алоҳида таъкидлаш лозим.

Саудия жамиятининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг юқоридаги барча омиллари адабиётнинг фақат қасида ва мақом жанрлари билан чекланган классик қоидалар доирасидан чиқишига, янги турдаги бадий наср шаклланишига олиб келди. Кичик наср соҳасидаги илк адабий тажрибалар журналистика билан чамбарчас боғлиқ эди. Газета ва журналлар кейинчалик араб адабий оламида машҳур бўлган кўплаб саудиялик ёзувчилар учун ёзув мактабига айланди.

Саудиялик адабиётшунос Муажиб Саид аз-Заҳраний Саудия адабиётида ҳикоя жанрининг пайдо бўлишини ўрганишда газета мақоласи «янги ёзув, янги услублар ривож, тилнинг сайқалланишида, ислохотга оид мурожаатларда ўрин олган янги ғоя ва интилишларни оммалаштиришга замин яратишда катта роль ўйнаганини айтмаса ҳам бўладиган» асосий омил бўлганини таъкидлайди²⁶.

Ўз тадқиқотида машҳур рус шарқшуноси В.Н.Кирпиченко ҳам «Саудия ҳикояси ўз насл-насаби билан газета мақоласига бориб тақалади», деб таъкидлайди²⁷.

Саудия адабиётида ҳикоя жанрининг пайдо бўлишининг дастлабки белгилари XX-асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Бу жанрнинг асосчилари бўлган араб маърифатпарварлик мафкурачиларининг идеалистик ғоялари реал ҳаётни обектив тасвирлашда бадий умумлаштириш талабларига ҳали жавоб бермас эди. Шу боисдан ҳам Саудия адабиёти баён қилиш санъатининг илк

²⁵ منصور الحازمي. البدايتوالتأسيس ص 113,120

²⁶ الدكتور معجب بن سعيد الزهراني. مقدمة. موسوعة الأدب العربي السعودي الحديث. نصوص مختارة و دراسات. المجلد الرابع. القصة القصيرة. ص. 21-22.

²⁷ Кирпиченко В.Н. Рассказы саудовских писателей. – Эр-Рияд-М.: ИВ РАН, 2016. – С. 5.

намуналари ҳикоя жанри талабларига мос келмаган эди. Уларда асарнинг барча қисмларини бир бутунга бирлаштирган ҳикоя чизиғи йўқ эди, ёзувчининг бевосита аралашуви кузатилиб, кўпроқ дидактик қарашлар устунлик қилган. Саудия ҳикояси шаклланишининг дастлабки босқичи – бу қисқа ҳажмга эга бўлган, воқеликдаги ўзгаришларга тезда жавоб берадиган ва маърифатпарвар ғояларни амалга ошириш учун самарали восита бўлиб хизмат қиладиган бадиий адабиётнинг янги шаклига иштиёқ қўйиш даври эди.

Саудиянинг биринчи ҳикоялари маърифий характерга эга бўлиб, уларнинг функционал юкламаси мамлакатнинг қолоқлик ва саводсизликдан тараққиёт йўлига олиб чиқиш ғояларини етказишга қаратилган эди. Асарлардаги маърифий пафос, риторика, муаллиф қарашларининг персонажлар нуткига бевосита қўшган ҳиссаси, бадиий ифодадаги тасвирийлик, зиддият (конфликт)нинг йўқлиги ва етук ҳикояларга хос сюжет-композицион конструкцияларнинг тури ҳам шундан келиб чиққан.

Саудия адабиётида янги жанр шаклларига йўл очиб берган ва замонавий ҳикоянинг яратилишига замин яратган биринчи Саудия ҳикояларининг кашшофлари қаторидан Муҳаммад Ҳасан Аввад, Абд ал-Ваҳҳаб Аший, Муҳаммад Саид ал-Амуди, Иброҳим Ҳашим Филалий, Абд ал-Қуддус ал-Ансарий, Аҳмад ас-Сибай, Муҳаммад Ҳасан Факий, Ҳусайн Сирхан, Абд ал-Азиз ар-Рифаи, Абдаллах Ариф, Муҳаммад Али Мағрибий, Абд ал-Ғафур Аттар, Азиз Дия ва бошқа маърифатпарварлар ва адабиётшунослар муносиб ўрин эгаллади.

Бундан ташқари айтиш лозимки, адабий танқид янги турдаги адабиёт шаклланишининг дастлабки босқичида бадиий адабиётнинг турли шакллари алоҳида фарқлаш учун етарли даражада ривожланмаган эди.

Ҳозирда араб адабиётида ҳикоя жанрини унинг ҳажмидан қатъи назар номлаш учун²⁸ «*قصة*» умумий атамаси қўлланилади. Баъзан адабиётшунос танқидчилар ўз тадқиқотларида «*قصة قصيرة*» (ҳикоя), камдан-кам ҳолларда «*قصة قصيرة جدا*» (жуда қисқа ҳикоя) терминлар ишлатадилар.

1950-йилларнинг охирига келиб, Саудия Арабистонида маълум бир сюжет, композиция, конфликт асосида қурилган ва қаҳрамон психологиясини очиб берадиган янги ҳикоя тури ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг – **«Саудия реалистик ҳикоясининг XX-асрнинг иккинчи ярмида ривожланиши»**, деб номланган иккинчи боби мазкур даврдаги Саудия реалистик ҳикоясининг ривожланиш хусусиятлари ҳамда реалистик ҳикоя жанрининг ривожланишида «аёллар ижоди»нинг ўрни масалалар таҳлиliga бағишланган.

Саудия адабиётида янги турдаги бадиий адабиётда реалистик йўналишнинг ривожланиши маърифатпарвалик босқичида бошланган. Шунинг учун ҳам Саудия маърифатпарварларининг кўпгина асарларида сентиментализм ва романтизмнинг ўзига хос хусусиятларига қарамай, реалистик тенденцияларнинг бошланишини кузатиш мумкин.

²⁸ «*قصة*» - ҳозирги кунда «ҳикоя» умумий атамаси Араб адабиётида унинг ҳажмидан қатъи назар, ҳикоя жанрига мурожаат қилиш учун ишлатилади. Баъзан адабиётшунослар ўз тадқиқотларида «*قصة قصيرة*» (қисса) атамасини, жуда кам ҳолларда «*قصة قصيرة جدا*» (жуда қисқа ҳикоя) ва жуда камдан-кам ҳолларда «ҳикоялар» (қисса, эртак)ни ишлатадилар.

Аксарият тадқиқотчилар Саудия адабиётида реализмнинг дастлабки босқичи шаклланишини маърифатпарварлик ҳаракати етакчиларидан бири Аҳмад Сибойй ижоди билан боғлайдилар. Унинг «*خالتى كدرجان*» («Кадаржон холам») ҳикояси 1905-1953 йилларда нашр этилган насрий жанрдаги намунали асарлардан бири ҳисобланади²⁹.

Узоқ тарихий вақт давомида мусулмон аёлни камситиш ислом жамиятида бугунги кунгача амал қилиб келаётган доимий ҳолат бўлиб келган. Тараққиёт дунёсидаги мусулмон аёл қиёфаси мазлум шахснинг икки томонлама – ижтимоий ва диний зулмни бошидан кечираётгани тушунчаси билан боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам ҳар бир араб давлатида маърифатпарварлик адабиётининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларида ночор жамият қатламлари, ўз кадр-қиммати ва шаънини қурбон қилишга мажбур бўлган, ўзини ёки оиласини боқиш учун ёки никоҳ баҳонасида савдо объектига айланган бечора аёл тақдири билан боғлиқ драматик вазиятлар тасвири реалист ёзувчилар ижоди учун энг хос мавзу ҳисобланади. Саудия Арабистонининг реалистик адабиёти ҳам бундан мустасно эмас эди, унда ислом оламида эркак ва аёлнинг тенгсиз мақоми масаласи бадиий ижоднинг асосий мавзуларидан бирига айланди. Фарқи фақат муаммони қўйиш ёндашувида эди, яъни саудиялик ёзувчиларнинг асарларида «аёл» мавзулари ижтимоий мақом билан эмас, балки инсон ҳуқуқларининг бузилиши масаласига мурожаат қилиш билан боғлиқ эди. Саудиялик реалист ёзувчиларнинг аксарият ҳикояларида аёлни уйдаги иккинчи даражали, ўз сўзига эга эмас, ҳўрловчи ҳаётга маҳкум этган мусулмон тартиби фош қилинади.

Аҳмад Сибоййининг «Кадаржон холам» ҳикояси аёл кишининг ўз тақдирини ўзи бошқаришига йўл қўймайдиган шариат қонунлари билан ҳаёти бузилган аёл ҳақида ҳикоя қилади. Отаси вафотидан кейин унинг катта ёшли амакиваччаси Кадаржоннинг васийси қарор қилди, бироқ:

و لكنها أنت قبول يده فهو والد لأتراب في مثل سنها ولما أصر ثبتت عند رفضها في عناد.
و جازاها بعناد مثله إذ رفض باعتباره وصياً عليها كل يد تتقدم خاطبتها ... كان يخترع لكل خطيب عيباً يستند عليه في الرفض حتى استطاع أن يحكم عليها لتعيش عانساً في بيتها³⁰.

Кадаржон жаҳл билан унинг таклифини рад этди, чунки у ўзи билан тенгдош болаларнинг отаси эди! Васий ўзининг фикрида туриб олди, лекин Кадаржон ҳам қатъий эди. Бундан кейин васий уни итоатсизлиги учун жазолашга қарор қилди ва ҳар қайси Кадаржонга совчи қўйган одамни рад этаверди. Рад этишини оқлаш учун у ҳар бир мурожаат қилган одамда қандайдир ўйлаб топилган камчиликларни келтираверди. Аммо, аслида, унинг ягона ва худбин мақсади Кадаржон ва унинг мол-мулки устидан ҳокимиятни сақлаб қолиши эди, бунинг учун эса у турмушга чиқмаган ёлғиз аёл бўлиб қолиши керак эди.

Ҳикоя мазмунида ҳикоячининг ёрқин образи устунлик қилади, Аҳмад Сибойй воқеалар гувоҳи сифатида ҳикоя қилишни унга ишониб топширади. Ёзувчи ҳикоячи образи орқали воқеликни маълум бир тарзда акс эттиради ва ёритади, ўзи учун муҳим бўлган тасвирланган воқеаларни ўзининг ички қийматига кўра англайди ва баҳолайди: у ўз ҳикоясини ҳақиқатда Саудия жамиятида рўй бераётган аниқ воқеаларнинг холислиги асосида куради.

موسوعة الأدب العربي السعودي الحديث. نصوص مختارة و دراسات. المجلد الرابع. القصة القصيرة ص. 87.

احمد السباعي. خالتى كدرجان. المجموعة خالتى كدرجان و قصص أخرى. ص. 15.

Сюжетнинг ривожланиши Аҳмад Сибой томонидан қурилган ички мантикий тизим томонидан бошқарилади, гарчи унинг ташқи компонентларида уйғунлик йўқлиги таассуротини қолдириши мумкин. Ёзувчи унинг аралашувидан қочишга ҳаракат қилади, лекин Кадаржон ҳаётидан маълум фактларни танлаш, қайта тартибга солиш ёки тўғридан-тўғри баҳолаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, бу унга реализмнинг асосий муаммоси – реал ҳақиқат ва бадий ҳақиқат ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ечимини топишга имкон беради. Ҳикоянинг якуни ачинарли: бутун умрини азобли кутиш билан ўтказган Кадаржон қариганда ақлини йўқотиб, қариндошларидан бирининг уйига кўчиб ўтишга мажбур бўлади ва ёлғизлик йилларини шу ерда тугатади.

Ҳаёт ҳодисаларини танлаш, уларга баҳо бериш, уларнинг аҳамиятини ифодалай олиш маҳорати, холисликка интилиш Аҳмад Сибой ижодида реалистик баён қилиш услубининг етакчи роль ўйнаганидан далолат беради.

XX аср 50-йилларнинг бошлари бутун араб адабиётида реализмнинг гуллаб-яшнаган даври эди. Умумараб адабиётининг ривожланиши Арабистон ярим ороли давлатларида бадий насрнинг янги шакллариининг жадал эволюциясига ёрдам берди. Саудия адабиётида ёзувчилар авлоди шакллана бошлади, улар қисқа ҳикоя – тез ўзгарувчан атрофдаги воқеликни энг муносиб тарзда акс эттира оладиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бадий адабиётнинг мустақил тури эканлигини англадилар. Китобхонлар сони сезиларли даражада кенгайди, бадий адабиёт публицистик нашрлар доирасидан ташқарига чиқди, ёзувчилар ўз асарларини алоҳида нашр этилган тўпламларга жойлаштира бошладилар. Машҳур адиблар – умумараб миқёсидаги реалистлар ижодидан илҳомланган ёш ёзувчилар ўз ҳикояларини реалистик тарзда яратдилар. Ҳикоялар тўпламларининг нашр этилиши уларга ўз кучига ишонч бағишлади, ижодий тажриба тўпланишига ва индивидуал ўзига хослик намоён бўлишига ёрдам берди. Уларнинг асарларида жамиятнинг камбағал ва бой қатламлари ўртасидаги ижтимоий зиддиятлар, болалар онгининг оғир воқелик билан тўқнашуви, таълим муаммолари, улкан нефт даромадлари таъсири остида ўзгараётган замонавий воқелик шароитида «оталар ва болалар» ўртасидаги қарама-қаршилик муаммоси, тенгсиз никоҳлар фожиаси, маънавий қадриятлар инқироzi каби мавзулар асосий ўрин эгаллаган³¹.

Бу даврнинг машҳур реалист адиблари сарасига Иброҳим ан-Носир, Абдуррахмон аш-Шаир, Саад ал-Баварудий, Холид Халифа, Ҳасан Абдуллоҳ ал-Қурайший киради. Иброҳим ан-Носир нафақат ҳикоя қилишнинг реалистик услубига содиқ ҳикоялар муаллифи, балки Саудия Арабистони замонавий адабиётида роман жанрининг асосчиларидан бири сифатида ҳам танилган. Иброҳим ан-Носир ўзининг «الهدية» («Совға») номли илк ҳикоясидаёқ ўзини реал баён қилиш усулининг издоши сифатида кўрсатган.

Саудия Арабистони давлати ташкил топишнинг бошида дуч келган асосий муаммолардан бири бадавий қабилаларининг анъанавий кўчманчи ҳўжалигининг ўтроқ деҳқончиликка ўтишини ташкил этиш, кўчманчи турмуш тарзидан воз кечиш ва ҳамма жойда қурилаётган янги биноларни ўтроққа жойлаштириш эди. Масалан, Иброҳим ан-Носирнинг «شبه المدينة» («Шаҳар сояси») ҳикояси қахрамони – ёш бадавий йигит, у сотиш учун шаҳар деворлари ёнига қорамол хайдаб, оғир,

³¹ Dr. Huseyin Yazici. The short story in modern Arabic literature. – Cairo, 2004. – P. 166.

яшаш учун ҳар кунги кураш билан тўла, лекин саҳродаги таниш ҳаёт ва уни тинч, қулай яшаш ҳаваси билан чақирадиган шаҳарга кўчиб ўтиш ўртасидаги оғир танлов олдида турибди.

XX-асрнинг иккинчи ярмида Саудия давлатида содир бўлган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий силжишлар, жамият ривожланишининг жадал босқичларига мос келадиган илғор ғояларни муносиб идрок этиш учун одамлар онгида содир бўлиши керак бўлган ўзгаришлардан анча олдинда эди. Бундай ўзгаришлар уларда изтироб, саросима ва келажакка қўрқув ҳиссини туғдирди, бу эса, охир-оқибатда янги тартибни рад этиш ва ундан нафратланишга олиб келди. Иброҳим ан-Носир ўқувчини реалистик санъатга хос бўлган ёш бадавийнинг фикрлаш психологиясига чуқурроқ кириб боришга, унинг кечинмаларининг асл сабабларини тушунишга ундайди.

XX-асрнинг иккинчи ярми Саудия жамияти учун мураккаб давр бўлиб, асрлар давомида шаклланган турмуш тарзига ҳар куни янги ўзгаришлар киритар эди. Иброҳим ан-Носирнинг «أرض بلا مطر» («Ёмғирсиз ер») ҳикоясида саҳрода қувур ётқизувчи корхона томонидан қурилган қишлоқлардан бирида ишчилар ҳаёти тасвирланган. Ҳикоянинг мазмунида пессимистик оҳанглар мавжуд бўлиб, ёлланма меҳнат ва ижтимоий қарама-қаршилиқлар мавзусининг ўзи анъанавий равишда реалистик баён қилиш услубидаги асарлар мавзуларига хосдир. Ҳикоянинг бош қаҳрамони – бойиб кетиш ва уйга қайтиш орзу-умиди билан қишлоққа келган ишчи. Унинг ўртоқлари, худди ўзи каби, ҳаётларини яхшилаш умидида компанияга қўшилган қашшоқлашган собиқ деҳқонлар ёки чўпонлардир. Мазмунда устунлик қиладиган умидсизлик мотивининг мантикий хулосаси қаҳрамоннинг қайғули тақдирини олдиндан белгилаб берадиган ҳалокатли воқеадир. Унинг барча саъй-ҳаракатлари беҳуда бўлиб, орзулари чангга айланади: тасодифий ёнғин пайтида унинг тўпланган пуллари ёниб, қулга айланди.

Шундай қилиб, технологик тараққиётнинг афзалликларини тушуниб етган ёзувчининг ҳикояларида эволюцион ўзгаришларни қуришимиз мумкин, у қолоқ онгли, технология ва янги ўзгаришларни қабул қилмайдиган, бунёдкорликдан холи бўлган эски ва сокин анъанавий турмуш тарзини қумсайдиган одамларни танқид қилади.

Замонавий Саудия Арабистони адабиётида реалистик ҳикоя жанрининг ривожланишида аёллар ижодиётининг бошланиши Нажот Хайятнинг «مخا الصمت» («Сукунат азоби») ҳикоялар тўпламининг пайдо бўлиши билан боғлиқ³². У Саудия жамиятида анъанавий равишда эркаклар касби деб ҳисобланган адабий йўлга киришга журъат этган биринчи саудиялик аёлдир³³. Унинг «Сукунат азоблари» тўпламидаги ҳикоялар мазмуни ҳикоя қилишнинг реал услубига содиқлиги, қўйилган муаммоларни анъанага зид, жуда дадил талқини билан ажралиб туради. Ҳикояда кўриб чиқилган «аёл мавзуси» умуман араб адабиёти учун одатий ва таниш бўлса-да, бу қисқа ҳикоя ўрганилаётган масалаларнинг чуқурлиги ва қўлами жиҳатидан жуда кенг.

Нажот Хайятнинг «Бир кун келиб қуёш чиқади» ҳикояси Саудия адабиётидаги реалистик баён қилиш усули билан бошқа араб мамлакатлари

³² نجاة خياط. محاضرات الصمت مطابع دار الكشف بيروت 1966.

³³ Saddeka Arebi. Women and words in Saudi Arabia. The politics of Literary Discourse. – New York: Columbia University Press, 1994. – P. 31; 36. ص. – دار الكتب المصرية، 2012. – خالد محمد غازي. القصة القصيرة في أدب المرأة السعودية. –

адабиётларидаги реалистик асарлардан фарқли, яъни ундаги рамзийлик мавжуд бўлган илк асар ҳисобланади. У ассоциатив фикрлашнинг шартли тасвирларидан жуда дадил фойдаланади ва уларни Саудия жамияти ҳақиқатлари билан моҳирона боғлайди. Қаҳрамон яшаётган уйнинг бутун зерикарли муҳити консерватив араб жамиятларини боғлаб турган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар ва ҳаёт меъёрлари билан бевосита ўхшашликни келтириб чиқаради.

وبيت باهت مترب الجوانب، كل ما فيه يوحي بحياة القرون السابقة التي كان طابعها البؤس والتأخر والشقاء. فهذا الشيش المغبر الحواشي، والتي حرقتة رياح السموم الساخنة، وهذا السقف الذي ترعى بين عيدانه حشرات مخيفة، وهذا الزير ذو البطن المنفوخ الذي هو ثلاثتنا في القرن العشرين³⁴.

Зерикарли, чангли уй, ундаги ҳамма нарса ўтмишидаги авлодлар ҳаётидан илҳомланиб, бахтсизликлар, қолоқлик ва қашшоқлик изларини ўзида мужассам этган. Самум шамолининг жазирамасидан сўниб кетган деразаларнинг чанг босган бу панжаралари, дахшатли ҳашаротлар шитирлаётган бу шифт, йигирманчи асрда биз учун музлатгич бўлиб хизмат қилган шишган кўза.

Нажот Хайят ҳикоясида биринчи ўринга ҳаракат, воқеа-ҳодисалар эмас, балки қаҳрамон (персонаж) чиқади. Азалий анъаналар гирдобини бузиш, муслима аёлнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга эҳтиросли даъват бўлган бу ҳикоянинг мазмуни чуқур реалистикдир. Нажот Хайятнинг «Бир кун келиб куёш чиқади» ҳикояси Саудия адабиётидаги илк реализм йўналишидаги асарлардан ҳисобланиб, «тўғри ва теран», деб тавсифланади³⁵.

Шарифа Иброҳим аш-Шамлан – замонавий Саудия адабиётида катта авлод вакилларига мансуб реалистик йўналишидаги машҳур ёзувчи. Унинг «السرو الموت» («Сир ва ўлим») ҳикояси ижтимоий ҳимояланмаган аёл тақдирида тугамас азоблари билан сингдирилган. Шарифа аш-Шамлан ҳикояда максимал ихчамлик ва диққатни бир жойга жамлашга интилади. У мураккаб синтактик конструкциялардан қочиб, оддий қисқа жумлалардан кўпроқ фойдаланади. Муажиб Саид аз-Захроний Саудия адабиётида ҳикоя жанрининг шаклланиш йўллариини ўрганар экан, Саудия романи ривожига Шарифа аш-Шамланнинг ўрни катта эканлигини, «Шарифа аш-Шамлан ўз қаҳрамонларини инсоният тақдирининг аянчли ўзгаришлари қурбони сифатида тасвирлашда араб тилининг бой бадиий имкониятларидан моҳирона фойдаланади, бу асосан Саудия жамиятининг тарихий тараққиётида чуқур илдиз отган маданий анъаналар билан боғлиқ», дея таъкидлайди³⁶.

Аёллар новелистик ижодининг ҳақиқий гуллаб-яшнаши XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида содир бўлди. Бу вақтга келиб, аёл ёзувчилар томонидан яратилган ҳикоялар тўпламларининг кўпгина сони нашр этилди.

XX-асрнинг иккинчи ярмидаги реализм мустақил адабий оқим сифатида Саудия ҳикоячилигида ҳали тўлиқ шаклланмаган, балки жадал ривожланиш босқичида эди. Шу боисдан ҳам Саудия адибларининг бу даврдаги ҳикояларида етук реализмга хос маҳорат билан ажралиб турмайди. Уларнинг асарларида жамиятдаги муаммоларни англаш, мусибат ва иллатларга қарши норозилик билдириш ва эълон қилиш кифоя, деган иллюзия кенг тарқалган эди.

نجاة خياط. «ستشرق الشمس يوما» موسوعة الأدب العربي السعودي الحديث. نصوص مختارة و دراسات. المجلد الرابع. القصة القصيرة. ص334. 34

منصور الحازمي. فن القصة القصيرة في الأدب السعودي الحديث. ص92 35

موسوعة الأدب العربي السعودي الحديث نصوص مختارة و دراسات. المجلد الرابع. القصة القصيرة اعداد: الدكتور معجب بن سعيد الزهران 36

Диссертациянинг учинчи боби – «XX-асрнинг охириги чораги ва XXI-аср бошларида Саудия ҳикояларида реалистик баён услубининг трансформацияси» ҳозирги босқичдаги ҳикоя анъана ва янги йўналишларни ҳамда ўрганилаётган даврнинг замонавий реалистик ҳикояси вакиллариининг ғоявий-эстетик изланишлари кўриб чиқиш каби масалаларга бағишланган. XX-асрнинг сўнги ўн йилликларида Саудия адабиётида ҳикоя жанри кўпгина тадқиқотчиларга унинг ривожланишида «модернизация» ёки бошқача айтганда, «экспериментал ёзиш»³⁷ босқичини эълон қилиш имконини берадиган муҳим ўзгаришларга учради. Саудия адабиётида Мансур ал-Ҳазимий томонидан «منبؤ» («бегоналашган»), деб номлаган янги ижодий кучлар адабий ҳаракатга бошчилик қилди³⁸. Ижтимоий масалалар уларнинг асарларида иккинчи планга ўтиб, билвосита ташқи безак сифатида кўриб чиқилди, унинг мавжудлиги баъзи ҳолларда қаҳрамоннинг характер хусусиятларини тушуниш учун зарур эди. Қизиқишларнинг асосий доираси одамнинг онгли ва онгсиз жихатлари ўртасидаги муносабатларнинг тасвири, уни идрок этиш механизмлари, хотиранинг инжиқ тарафлари эди. Онгдаги яширинган пинҳона истаклар, ташвишлар, «бегоналашган»ларнинг фикрига кўра, инсон ҳаётининг муҳим қисмини ташкил этувчи ва унинг хатти-ҳаракатига таъсир қиладиган рамзлар, ноаниқ ва қоронғи тасвирларда намоён бўлади. Саудия адабиётида ҳикоя жанрининг ривожланишида «экспериментал ёзув» босқичининг шаклланишига хизмат қилган асосий сабаблар: 1) 1967 йилдаги «олти кунлик» араб-исроил урушидаги мағлубият, умумараб адабиётида реалистик санъатнинг замонавий воқелик моҳиятини сиёсий-ижтимоий тўнтаришлари билан ифодалаш имкониятини шубҳа остига қўйди; 2) Ғарб модернизми адабий оқимларининг кучли таъсири ҳикоялар санъатида формал (шаклий) имкониятларнинг кенгайишига олиб келди.

Араб-исроил урушидаги мағлубият араб давлатлари адабий муҳитида пессимистик кайфиятларни келтириб чиқарди ва янги ижодий усулларни излаш зарурати юзага келтирди. Умумарабий миқёсдаги кўплаб таниқли ёзувчилар инсоннинг ички маънавий ҳаётини тасвирлашга ўтдилар, «анъаналарни бузган ҳолда ўзларининг ўтмишдошлари томонидан яратилган ҳамма нарсани бутунлай рад этиб, янги мавзулар ва янги шаклларни излаш билан шуғулландилар»³⁹. Реализмни эскирган, консерватив адабий оқим, деб эълон қилган баёлотлар тобора кўпайиб борди. Шу билан бирга, адабиётда «экспериментал ёзув» босқичининг пайдо бўлишига Саудия Арабистонининг ривожланишидаги ички омиллар ҳам кўп жихатдан сабаб бўлди.

Саудия адабиётидаги «экспериментал ёзув» босқичининг бошланғич нуқтаси Муҳаммад Улвоннинг «الخيز و الصمت» («Нон ва сукунат») тўпламининг нашр этилиши бўлди. Саудия Арабистонидаги «бегоналашган» авлоднинг бир қисми ҳисобланган таниқли романчилардан бири Ҳусайн Али Ҳусайн бўлиб, унинг дастлабки ижод даври «экспериментал ёзув» босқичининг бошига тўғри келади. Али Ҳусайн ҳикоялари инсоннинг атроф-муҳит билан муносабатларига ғоявий-

³⁷ الدكتور معجب بن سعيد الزهراني. تحولات الكتابة القصصية و مظاهر تطورها. موسوعة الأدب العربي السعودي الحديث. نصوص مختارة و دراسات. المجلد الرابع. القصة القصيرة. ص. 19

³⁸ منصور الحازمي. فن القصة القصيرة في الأدب السعودي الحديث. ص 95

³⁹ Мухаммед Дакруб. Арабская новеллистика сегодня /Фрагмент из книги «Новая литература и революция». Вступление и перевод с арабского Э.А.Али-Заде. – М.: Иностранная литература, 1982. №3. – С. 186.

